# Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

2010-yil 1-sentabr № 109-110 (2835) chorshanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.*

Ислом КАРИМОВ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан ғурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юртдошларим!

**Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир.** Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бирбирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

**Биринчидан,** иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

**Иккинчидан,** мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввало, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш — буюк саодат.

Мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми — мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам қалбларимизга чексиз фахр-ифтихор, кўнгилларимизга сурур бахш этади. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввалambор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

2010 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал қиру адирларимизда, далаю даштларимизда, пурвиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаётгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанни васф этувчи тароналар юракларни жунбушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

(Давоми 2-бетда)

## Озодлик йўлида курашганлар хотирасига эҳтиром

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон эришаётган бетимсол ютуқлар, мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шундай улуғ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу анъаналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

(Давоми 2-бетда)

## «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи очилди

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

***Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.***

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган «Бухоро маданий маркази» мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар — 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch
2010-yil 1-sentabr № 109-110 (2835)

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?



# Эзгуликка туташ йиллар

## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Собирхон САИДХЎЖАЕВ билан суҳбат

**— Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик тантаналари ҳар йили Билимлар кунига уланиб кетади. Халқ таълими вазирлигининг маълумотига кўра, янги ўқув йилида республикамиздаги 9772 та умумтаълим мактабида 4 млн. 681 457 нафарга яқин ўқувчи ўқишни давом эттиради, шундан 474 900 нафарга яқин болажон таълим даргоҳларининг қутлуғ остонасига илк бор қадам қўйишаркан. Ана шундай муборак кунда кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?**

— Мустақиллик таълим тизимига янги ҳаёт бағишлади. 19 йил аввал эккан ниҳолларимиз бугун мева бера бошлагани ҳар бир кишида фахр уйғотади. Истиқлол йилларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими шакллантирилиб, юзлаб замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Республикамизда 1569 та мактаб биноси янгидан қурилди. 8213 таси замон талаби даражасида таъмирланиб, жиҳозланди. Айниқса, қишлоқда замонавий лойиҳаларда бунёд этилган таълим муассасалари юртимизга янгича шукуҳ ва қиёфа бағишлаб, том маънодаги маънавият-маданият масканига айланди.

Анъанага кўра, биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили оталарча ғамхўрлик, юксак эътибор рамзи сифатида Президентимизнинг махсус совғалари улашилади. Баркамолликка элтувчи йўлнинг масъулиятли босқичи олдида турган болажонларимизга ўзига хос мазкур рағбатда 12 номдаги ўқув қуроллари мавжуд. Барча таълим муассасаларида совғалар ва дарсликлар тахт қилиб қўйилди.

**— Таълим тизимидагиислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмалари вилоят кенгашининг ўрни ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Вилоят кенгашимиз халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда вилоятда 1343 та бошланғич, 842 та цех ва 2745 та гуруҳ касаба уюшма ташкилоти бор. Сўнгги беш йилда бошланғич ташкилотлар 364 тадан 1343 тага кўпайди. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари орқали маърифат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Эл равнақи, юрт фаровонлиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш касаба уюшмаси фаолларининг ҳам бурчидир. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш авлод қалбида она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда касаба уюшма фаол иштирок этмоқда. Жумладан, «Энг намунали маънавий-маърифий ишларни ташкил этаётган халқ таълими бўлими», «Йилнинг энг яхши фан методисти», «Энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Энг намунали синф раҳбари» каби танловлар ташкил этилди. Бу каби хайрли ишлар самараси ўлароқ Фарғона вилоят мактабдан ташқари муассасалар маркази директори А.Солиев «Маънавият тарғиботчиси» республика танловида биринчи, Қува тумани халқ таълими бўлими маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси Х.Абидова учинчи ўринни эгаллади.

**— Санъат руҳни қувватлантирса, спорт саломатлик, гўзаллик ва хуш кайфият бағишлайди. Маърифат аҳли учун улар жуда муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?**

— Таълим сифати кўп жиҳатдан устоз-муаллимлар кайфияти ва саломатлигига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, ходимлар ва талаба-ёшларнинг санъат соҳасига қизиқишини ўстириш, уларни бадиий ҳаваскорлик жамоаларига жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ва қизиқарли ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон, сени куйлайман!» санъат фестивали, «Талантларни излаймиз» республика танловининг вилоят босқичи ҳақиқий санъат байрамига айланди. Ғолиблар кенгаш томонидан рағбатлантирилди. Шунингдек, ҳар йили «Фан олимпиадаси»да республика, вилоят миқёсида фахрли ўринни эгаллаган ўқувчиларнинг устоз-мураббийлари, «Мактабим — фахрим», «Энг обод таълим муассасаси» танлови ғолиблари ҳам тақдирланади.

ФарДУ жисмоний тарбия факультетининг биринчи битирувчилари бўлган фахрийлар иштирокидаги «Уч авлод учрашуви» Ал-Фарғоний гида халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 3 босқичда мусобақалар ўтказилди. 1478 нафар иштирокчи ғолиблик баҳсларида эпчиллик, чаққонлик маҳоратини намойиш этди. Беллашувда Фарғона шаҳри ғолиб, Ўзбекистон ва Бағдод тумани жамоалари II ва III ўринни эгаллашди.

Шу ўринда ўтган йили 10-12 май кунлари Арсифдаги Ал-Фарғоний номидаги дам олиш уйида



номидаги дам олиш уйида ташкиллаштирилди. Бу тадбир ёшлар қалбида маънавий тарбия ва маърифат сабоғи сифатида ёрқин из қолдирди.

Жисмоний тарбия ва спорт касаба уюшмаларининг доимо диққат марказида. Ҳар йили халқ таълими тизимидаги раҳбар ходим ва бошланғич касабақўм раислари, 35 ёшгача бўлган ходимлар ва услубчилар ўртасидаги спорт беллашувлари кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси тизимидаги раҳбар аёллар, педагог ходимлар ўртасидаги спартакиадалар, минифутбол ҳамда оилавий спортни ривожлантиришга қаратилган «Соғлом оила» мусобақалари барчага манзур бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида халқ таълими ходимлари ўртасида спортнинг 7 тури (волейбол, стритбол, шахмат-шашка, стол тенниси, дарц, армрестлинг) бўйича ўтказилган спорт мусобақалари тўғрисида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Тадбирда 200 нафар халқ таълими ходими қатнашди. Саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга, мазмунли ҳордиқ чиқаришди. Ғолиблар вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Талаба ёшлар ўртасида Жаҳон, Осиё чемпионлари, мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро спорт мусобақалари совриндорлари етишиб чиқаётганлиги бугунги кунда спортнинг оммавийлашиб бораётганлигидан далолатдир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирларини бажариш, ёшларни ўз Ватанига, истиқлол ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ичкиликбозлик, кашандалик, гиёҳвандлик ва ОИТС каби зарарли иллатларга қарши курашиш мақсадида коллеж ўқувчилари ўртасида «Тўрт карра йўқ!!!» спорт мусобақаси ўтказилди. Мусобақанинг биринчи босқичида Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳрида яшовчи 792 нафар ўқувчи қатнашди, финал босқичида 160 нафардан ортиқ ўқувчи ўзаро куч синашди.

**— Болалар — умидимиз ғунчалари, биз катта орзу ва ёрқин ишонч билан барпо этаётган жамиятнинг бунёдкорларидир. Уларни соғломлаштиришда касаба уюшмалари қандай йўл тутмоқда?**

— Ҳисобот даврида болалар оромгоҳида 25018 нафар ўқувчи соғломлаштирилди, ушбу мақсад учун ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 1 млрд. 255 млн. 268 минг сўм сарфланди. Кенгашимиз тасарруфидаги Қўқон шаҳрида жойлашган «Коинот» болалар оромгоҳи 73 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Қўқон шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан оромгоҳ мукаммал таъмирланиб, янги, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Оромгоҳда ҳар йили ёзги мавсумда вилоятдаги педагог ходимларнинг мингдан ортиқ фарзанди соғломлаштирилади.

Вилоятдаги 3 та «Меҳрибонлик уйи»нинг 42 нафар ходимига пул мукофоти, кам таъминланган, кўп болали оила вакилларидан 6 нафарига сиҳатгоҳларга бепул йўлланма берилди. Марказий кенгаш ташаббуси билан Фарғона вилоятидаги 50 нафар ногирон, кам таъминланган талаба республика миқёсидаги сиҳатгоҳларда имтиёзли дам олдирилди.

Баркамол авлод йилида олий ўқув юртлари маъмурияти билан келишилган ҳолда кам таъминланган, иқтидорли талабаларнинг 240 нафарини санаторий-профилакторийларда соғломлаштириш мақсадида йўлланманинг 20 фоизи вилоят кенгаши ҳисобидан қопланади.

Касаба уюшмаси раисларининг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона политехника институтида туман, шаҳар халқ таълими мудирлари ва бирлашган касабақўм раисларининг 2 кунлик ўқув семинари ўтказилди ва қатнашчилар институт қошидаги санаторий-профилакторийда соғломлаштирилди.

«Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ... энг оммавий ташкилот бўлган касаба уюшмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди», — деган эди Юртбошимиз. Мана шу вазифаларни амалга оширишда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида касаба уюшмалари сидқидилдан хизмат қилишига ишонаман.

**Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА**

Бухоро томонларда

## Табаррук замин саховати

***Мустақилликнинг 19 йиллигига бағишлаб Бухоро шаҳридаги марказий истироҳат боғида «Табаррук замин саховати» шиори остида XIV анъанавий қовун сайли бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда вилоятдаги 183 нафар фермер хўжалиги ўз даласида етиштирилган 1240 тонна полиз маҳсулоти, шу жумладан, 1100 тонна тилими тилни ёрадиган қовунлари билан қатнашди.***

Беш кун давом этган тадбир шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига манзур бўлди. Қовун сайли кўрик-танловида Ғиждувон тумани полизкорлари биринчи, жондорликлар иккинчи, Бухоро ва Қоравулбозор туманидан келган деҳқонлар учинчи ўринга лойиқ топилди.

Сайлда 57 навдан иборат 22 тоннадан ортиқ ширин-шакар полиз маҳсулотлари билан қатнашган «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги деҳқонлари меҳнати юқори баҳоланиб, биринчи ўринга муносиб кўрилди. Жондор туманидаги «Элмурод, Дўстмурод, Шаҳриёр», «Ҳалимаой», Ғиждувон туманидаги «Фирдавс», «Раҳимбобо», Шофиркон туманидаги «Муҳаммад Дили» фермер хўжаликлари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Ғолибларга халқ депутатлари вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

## Автомагистрал ишга тушди

***Кейинги йилларда Бухорода янги автомобил йўллари қуриш ва таъмирлашга эътибор оширилмоқда. Яқинда М-37 «Самарқанд—Ашхобод—Туркманбоши» автомобил йўлининг 261-километри ва А-380 «Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнов» автомобил йўлининг 228-километрини бирлаштирган Бухоро шаҳрини айланиб ўтувчи 5 километр узунликдаги автомагистрал ишга туширилди.***

Лойиҳа-смета қиймати қарийб 13 миллиард сўмлик мазкур объектда 110 минг кубдан зиёд тупроқ ишлари бажарилди. 95 минг тоннага яқин асфалт-бетон қопламаси ётқизилиб, янги кўприк бунёд этилди. Бунда «Бухоро автойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилотига қарашли Ромитан туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси ишчи-хизматчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Илғор техника ва технология қўлланиши туфайли йирик иншоот қурилиши 11 ой ичида поёнига етказилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**






# Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Бутун Ўзбекистон аҳлини Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Улуғ байрам кунларида бунёдкор халқимизга сиҳат-саломатлик, фаровон турмуш ва юрт ободлиги йўлидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



## Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин! Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақият ёр бўлсин! Ўзбекистон аҳлига соғлик, саломатлик, дастурхонига тўкинлик тилайди.



Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Барча юртдошларимиз ва тиббиёт ходимларини энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақилликнинг 19 йиллиги билан самимий қутлайди. Юрт тараққиёти, халқ саломатлиги ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги ишларингиз ҳамиша бароридан келсин. Бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамда тинчлик-хотиржамлик ҳеч қачон Сизларни тарк этмасин.



## Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси



Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан табриклайди. Ҳар бир оилага фаровонлик, дастурхонига кут-барака, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини тилайди. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Иштихон тумани бирлашган қўмитаси

*Халқимизни Истиқлол байрами билан самимий табриклайди. Баркамол авлоднинг янги ўқув йили муваффақиятларга тўла бўлсин!*

**Жаннатмакон диёримизда доимо тинчлик, осойишталик ҳукм сурсин.**



## Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ

**Мустақилликнинг 19 йиллиги билан қизғин табриклайди.**



**Ҳар бирингизга юртнинг ардоқли фарзанди бўлишдек бахт насиб этсин! Ватанимизни яшнатиш ва юксалтириш йўлидаги ишларингизда муваффақият ва зафар ҳамиша ёр бўлсин!**

# «Чинобод санаторийси»

**очиқ турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси**

**Мамлакатимиз фуқароларини ва барча касбдошларни Мустақилликнинг 19 йиллиги билан чин дилдан қутлайди ҳамда мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.**

*Санаторий — Тошкент шаҳридаги балнелогик курорт. Даволаниш учун кўрсатмалар: овқат ҳазм қилиш касалликлари ремиссия босқичида, гинекологик касалликлар, қандли диабет.*

*Асосий даво омиллари: Тошкент артезиан ҳовузининг (+51 даража) маъданли суви, хлорид-гидрокарбонатли натрийли суви, Балиқли кўлининг балчиғи.*

*Сиҳатгоҳда зарур ташхис ва даволаш хоналари мавжуд. Маъданли сувдан ванналар учун, ичакни чайиш, меъдани ювиш, дуоденал дренажлар, даво ичимлиги сифатида фойдаланилади. Парафин-озокерит билан муолажалар, сув остида душ-массаж қилинади. Табиий даволаш омилларидан ташқари физиотерапия, уқалаш, даволаш жисмоний тарбияси амалга оширилади. Парҳез овқатлар берилади.*

*Ётоқ бинолари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга, бир-икки хоналардан иборат.*

*Кино зали бўлган клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. Экскурсиялар ташкил этилади.*

*Санаторий ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.*

*Санаторийимизга хуш келибсиз!*

**Манзилимиз:Тошкент шаҳри, О.Зокиров кўчаси, 88-уй. Телефон: 212-29-12**



**Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилояти вакиллиги**



**Барча юртдошларимизни, шунингдек, соҳа ходимларини Истиқлолнинг 19 йиллик тўйи билан қутлайди. Хонадонингизга тинчлик, осойишталик, қут-барака тилайди!**

# «Чортоқ санаторийси»

**очиқ турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси**



**Тармоқ ходимлари ва барча фуқароларни Истиқлол байрами билан чин дилдан табриклайди ва ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф этади.**

*Санаторий Наманган шаҳридан 25 километр масофада, Чортоқсой дарёси ёқасида, Чотқолтоғ адирларида, денгиз сатҳидан 650 м. баландликда жойлашган балнелогик ва иқлимий курортдир.*

*Бу ерда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик, тери касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд бўлиб, йод, бромли ва кўплаб минералларга бой бўлган маъданли сувлар ичиш ҳамда ванналар олиш учун қўлланилади. Шифобахш балчиқ аппликация ва галвано-балчиқ усулида берилади. Ўткир миокард инфарктини бошидан кечирган беморларнинг соғлиғини тиклаш учун реабилитация бўлими фаолият кўрсатади.*

*Замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида физиотерапия, лазер, сув билан даволаш усуллари қўлланилади. Бадан тарбияси, уқалаш, психотерапия, фитобар ва парҳез овқатлар Сизнинг соғлиғингизни тиклаш учун хизмат қилади.*

*Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки хоналардан иборат.*

*Маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари, сартарошхона, алоқа бўлими Сизнинг хизматингизда. Турли саёҳат ва экскурсиялар уюштирилади.*

*Санаторийимизга хуш келибсиз!*

***Манзил: Наманган вилояти Чортоқ тумани Телефон: 8(369) 412-10-28,412-64-44.***

